

Усмон ибн Аффоннинг васияти



07:30 / 02.04.2019 3108

Усмон ибн Аффон розияллоху анху ўлдирилгач, унинг хазиналарини қидиришди ва бир қулфланган сандиқ топиб олишди. Сандиқни очишди. Унда бир қути бўлиб, қутининг ичида мактуб бор экан. У Усмон розияллоху анхунинг васияти эди. Унда шундай ёзилган эди: «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Усмон ибн Аффон гувоҳлик берадики, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, У яккаю ёлғиздир ва Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам Аллоҳнинг бандаси ва элчисидир. Жаннат ҳақдир, дўзах ҳақдир. Аллоҳ таоло қабрдаларни ҳеч қандай шубҳа йўқ бўлган кунда қайта тирилтиради. Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмайди. Усмон мана шу калималарга риоя қилиб яшади, мана шу калималарга риоя қилган ҳолда ўлади ва мана шу калималарга биноан қайта тирилади, иншааллоҳ!»

«Солиҳлар гулшани» китобидан